

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Бекзод Абдувалиевич НАРИМАНОВ

доцент

юридик фанлар бўйича (PhD) фалсафа доктори

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

<https://orcid.org/0000-0002-4703-3358>

Аннотация

Мақолада Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фуқаролик жамияти институти сифатида давлат ва жамият ҳаётида туган ўрни тадқиқ этилган. Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширадиган йирик “ақл марказлари” тавсиялари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: нодавлат нотижорат ташкилотлар, ташкилий-ҳуқуқий шакл, жамоат бирлашмаси, фондлар, муассасалар, “учинчи сектор”, адлия органлари, маъмурий тартиб-таомиллар.

НЕГОСУДАРСТВЕННЫЕ НЕКОММЕРЧЕСКИЕ ОРГАНИЗАЦИИ КАК ИНСТИТУТ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА: ТЕОРЕТИКО- ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ

Бекзод Абдувалиевич НАРИМАНОВ

доцент

доктор философии (PhD) по юридическим наукам

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

tiu-bek@inbox.ru

<https://orcid.org/0000-0002-4703-3358>

Аннотация

В статье рассматривается роль некоммерческих организаций в жизни государства и общества как института гражданского общества в Узбекистане. В частности, анализируются рекомендации крупных "разведывательных центров", которые проводят свои научные исследования в отношении некоммерческих организаций.

Ключевые слова: негосударственные некоммерческие организации, организационно-правовая форма, общественное объединение, фонды, учреждения, «третий сектор», органы юстиции, административные процедуры.

Халқаро тажрибада, умуман фуқаролик жамиятини шакллантириш ва унинг институтлари фаолияти самарадорлигини таъминлашда асосий устувор йўналишлардан бири сифатида ННТлари ва давлат органлари ўртасидаги

ижтимоий шерикликни амалга ошириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз лавозимиغا киришишига бағишланган 2021 йил 6 ноябрдаги тантанали маросимда жамиятимизнинг барча соҳаларини ислоҳ этиш, жумладан, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун жамиятимиз аъзоларининг фаоллигини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари муҳим ўрин тутди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда “Ислохотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим” [2].

Кўп йиллардан буён фуқаролик жамияти институтлари тушунчаси илмий адабиётларда келтирилган бўлиб, лекин норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур институтнинг ҳуқуқий мақоми ўрнатилмаган, шунингдек уларнинг фаолияти мазмунига оид ҳуқуқий кафолатлар белгиланмаган эди.

Фуқаролик жамияти мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла), партиялар, ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади ва унинг мазмунини белгилайди. Улар жамият аъзоларининг фуқаролик фаоллиги, миллий ўз-ўзини англаши, сиёсий маданияти ва юксак маънавиятини юксалтиришга кўмаклашиш, уларни ўз-ўзини ҳурмат қилиш, мустақил фикрлаш, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш, ўз келажагини ўз хоҳиши билан қуриш истагини шакллантиришга қаратилган.

Фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқий мақомининг Конституцияда белгиланиши улар фаолиятини бевосита тартибга солувчи ҳамда ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига доир қонунчилик ҳужжатларини

тизимлаштиришга хизмат қилади.

Давлатимизда Фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 250 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани диққат сазовордир. Аммо мазкур институт конституциявий мақомга эга эмас.

Сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил иш олиб борилмоқда, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг яқин ва ўрта муддатга қаратилган истиқболларини белгилаб олиш мақсадида 2021-2025 йилларга мўлжалланган концепция тасдиқланди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида [1] ҳам фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашиш фаолиятига жалб қилишнинг ғоявий асослари белгиланган. Стратегиянинг 1, 11, 12, 20, 83, 84 мақсадлари бевосита ёки билвосита мазкур мавзуга бағишланган. Тегишли мақсадлар маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш, халқ билан мулоқотнинг механизмларини такомиллаштириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фаол фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва итоат қилиш ҳиссини шакллантириш, коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш масалаларини қамраб олган.

Янги Ўзбекистонни кучли ва адолатли фуқаролик жамиятига айлантириш ғояси асосида фуқаролик жамияти институтларининг мақомини конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйиш мақсадида лойиҳада Конституциянинг 56-моддаси янги таҳрирда баён қилинмоқда, 98 ва 122-

моддалари эса янги нормалар билан бойитилмоқда.

D.Lewisнинг қайд этишича, 1980 йиллар охиридан бошлаб инсоният тараққиёти олдингига қараганда анча катта рол ўйнай бошлади. “Учинчи сектор” бир қатор глобал муаммолар бўйича ҳукуматга муқобил равишда узок муддатли лойиҳаларни таклиф қилишди. Иқтисодий эркинлаштириш ва давлатнинг ваколатларини нодавлат секторига бериш бўйича саъй-ҳаракатларнинг бир қисми сифатида нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат хизматлари кўрсатишнинг самарали йўли сифатида эътироф этилди [7].

Нодавлат секторга катта эътибор берилиши хайрия ёрдамларининг кўпайиши ва нодавлат нотижорат ташкилотлари салоҳиятининг кенгайишига олиб келди. Бу орқали гендер тенгликни таъминлаш, камбағалликни камайтириш каби муаммоларни ҳал этиш бўйича асосий йўналишларни аниқлаб олиш ва амалий ҳаракат қилиш вариативлиги ошди [4].

“Совуқ уруш”дан кейинги даврда халқаро донорлар ҳамжамияти пойдевори “эзгу бошқарув” концепциясини тарғиб қила бошлади. Унда ҳукумат, бозор ва учинчи сектор ўртасидаги мувозанатли муносабатлар натижасида ривожланиш назарда тутилган эди. Ушбу парадигма доирасида нодавлат нотижорат ташкилотларга “фуқаролик жамияти”ни қуришнинг асосий омили деб қаралди [8].

1919 йилда Еглантина Жебб Биринчи жаҳон урушида жароҳат олгандан сўнг Болаларни ҳимоя қилиш фонди ташкил этилди. 1942 йили Иккинчи жаҳон уруши даврида очарчиликка қарши кураш Оксфорд кўмитаси сифатида танилди. CARE ташкилоти урушдан кейин, 1946 йилда Европага АҚШ озиқ-овқат пакетларини юбориб, ўз фаолиятини бошлади.

1945 йилда БМТ Уставининг 71-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг БМТ фаолиятидаги иштироки расмийлаштирилди. Айрим нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳатто Низомни мустақил ишлаб чиқиб, унга ўз ҳиссасини қўшди. Улар ЮНЕСКО ва нодавлат нотижорат

ташкilotларининг ўз низомларида иштирок этишини аниқ таъминлаганлар. Аммо нодавлат нотижорат ташкilotлари совуқ уруш кескинликларига ва Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши (ЕКОСОК) институционал заифлигига тўсқинлик қилиб, яна ўз таъсирини йўқота бошлади. 1970 йилда нодавлат нотижорат ташкilotларининг роли яна ошди. Яъни, Атроф-мухит ҳақида Стокгольм конференцияси ва БМТ конференциялари ишида бир қатор муҳим вазифаларни бажарди.

2006 йилда БМТ томонидан Жонс Хопкинс университетиди фуқаролик жамияти тадқиқотлари маркази ва Бирлашган Миллатлар Ташкilotи статистика қўмитаси билан ҳамкорликда нодавлат нотижорат ташкilotлари бўйича статистик маълумотларни тайёрлаш борасида стандартлар ва кўрсатмаларни ўз ичига олган “Миллий ҳисоботлар тизимида нодавлат нотижорат ташкilotлари учун қўлланма” [9] яратилди.

Мазкур қўлланманинг асосий мақсади миллий ҳисоботларда ва умуман, иқтисодиётга оид маълумотларни тузишда кўпинча кўрсатилмайдиган тобора аҳамияти ортиб бораётган “учинчи сектор” бўйича маълумотларнинг сифатини оширишдан иборат эди.

Илмий адабиётларда нодавлат нотижорат ташкilotлари тушунчаси ва жамоат бирлашмалари тушунчаларининг мазмун-моҳиятини англаш, унинг аҳамиятини белгилаш бўйича қарашлар турли-туманлиги билан характерланади. Шу боис, айрим тадқиқотларда “жамоат бирлашмалари” айрим тадқиқотларда “нодавлат нотижорат ташкilotлар”, айримларида эса “нотижорат ташкilotлар” тушунчаларидан фойдаланилади.

Ш.Якубов фикрича, “Социология, юриспруденция ва политология соҳасида фаолият олиб борувчи ғарблик аксарият мутахассисларнинг фикрича, ноҳукумат ташкilotлар, (инглиз тилида “non-governmental organizations” (NGO), рус тилида “неправительственные организации” (НПО) фуқаролик жамиятининг асосий институти ҳисобланади [6].

Ҳукуқшунос олим Назаров “фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий институти ҳисобланган ҳамда нодавлат (юридик ёки жисмоний

шахслар томонидан ташкил этиладиган) тузилмаларни умумий ном билан, яъни “жамоатчилик ташкилотлари” ибораси билан тавсифлаш мақсадга мувофиқ” деб фикр билдиради.

Ноҳукумат ташкилотлар тушунчаси илк бор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Ушбу тушунча биринчи мартаба БМТ Уставининг 71-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, кейинчалик бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчиликда акс эта бошлаган [10].

БМТ томонидан ноҳукумат ташкилоти “давлат ёки халқаро даражада фуқароларнинг ихтиёрий нотижорат мақсадда ташкил этилган иттифоқи” деб таъриф берилган бўлса, Европа Кенгаши томонидан “ноҳукумат ташкилоти ўз моҳиятига кўра, ўзини ўзи бошқаришга асосланган ихтиёрий ташкилот” сифатида келтирилади [3].

Фуқаролик жамиятига нисбатан американча ёндашув шу соҳадаги энг машҳур ва кенг танилган – Мэриленд штатидаги Балтимор шаҳрига жойлашган Жон Хопкинс университетининг “The Comparative Nonprofit Sector Project” лойиҳасида яққол кўзга ташланади.

Бу лойиҳадан келиб чиқиб ННТнинг фаолият турлари 12 та йўналиш бўйича белгиланди: 1) маданият ва дам олиш; 2) таълим ва тадқиқот; 3) соғлиқни сақлаш; 4) ижтимоий хизматлар; 5) атроф-муҳитни ҳимоя қилиш; 6) ҳудудий ҳамжамиятларни ривожлантириш; 7) инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; 8) филантроплар учун воситачилик қилиш; 9) халқаро; 10) диний; 11) касбий, уюшмалар, бизнес ва касаба уюшмалари; 12) бошқа йўналишлар. Мазкур лойиҳа мезонлари доирасида 35 та мамлакатда (16 та ривожланган, 14 та ривожланаётган, 5 та ўтиш даври иқтисодиётини ўз бошидан кечираётган) ННТнинг структураси, ҳажми, улар фаолиятидаги муаммолар ва натижаларга доир тадқиқотлар олиб борилиб, уларнинг яқунлари натижаси ўлароқ қуйидагилар аниқланди.

Бу мамлакатларда учинчи секторнинг ЯИМдаги ҳиссаси 1,3 триллионни ташкил этган. Нодавлат секторда деярли 40 миллион киши

(шундан 20 миллион киши иш ҳақи олиб ишлаган) фаолият юритиб, бу кўрсаткич 35 та мамлакатдаги иқтисодий фаол аҳолининг 4,5 фоизини ташкил этган [5].

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ривожланишини тадқиқ этиб қўидаги таклифларни илгари суриш мумкин.

1. Биринчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ривожланиши бўйича АҚШ тажрибасидан келиб чиқиб, *фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш ҳамда жамият ривожланишига қўшган ҳиссасини инобатга олган ҳолда уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари ва методологияларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ*. Унда фуқаролик жамияти институтларининг самарадорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичлари мезонлари сифатида ижтимоий фойдали лойиҳалар сони, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар ва улар асосида иш жараёни ва қонун ҳужжатларига киритилган тегишли ўзгартиришлар, жамоатчилик назорати соҳасида фаоллик даражаси кабиларни келтириш мумкин.

Хориж тажрибасидан маълумки, ҳомийлик ва хайрия фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти ҳақидаги маълумотлар бир қатор бир-биридан мустақил манбаларда эълон қилинади. Турли рейтинг агентликлари фондлар фаолиятини таҳлил қилиб, уларнинг рейтингларини эълон қилиб боради. Мазкур ҳолат ҳомийлик ва хайрия фаолиятини амалга оширувчилар учун ҳам ўзига хос ҳисобот вазифасини ўтайди.

2. Йирик халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларнинг глобал муаммоларни ҳал этишдаги ўрнини ҳисобга олиб, *мамлакатимиздаги илгор университетлар ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда фуқаролик жамиятини тадқиқ этиш марказларини ташкил этиш* мумкин. Мисол учун Жон Хопкинс университетининг «The Comparative Nonprofit Sector Project» лойиҳаси доирасида аксарият

ривожланаётган давлатларда нодавлат секторни ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилади.

3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш” деб номланган бўлиб, бўлимнинг мазкур номланиши халқаро тажрибага ҳамда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзаро муносабатларни тартибга солишга қаратилган демократик принципларга мос келмайди. Шу сабабли, хорижий мамлакатлар конунчилиги тажрибасидан келиб чиқиб, мазкур нормаларни “*Давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари муносабатлари*” деб номлаш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланганг янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси: расмий нашр. – Тошкент: Адолат, 2022. – 152 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаати //Халқ сўзи. 2020 йил 21 январь
3. Боржелли Н. Давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлиги // Ижтимоий шериклик ва давлат қарорларини қабул қилишда жамоатчилик иштироки масалалари бўйича халқаро тажриба. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази. – Тошкент: ART FLEX, 2012.
4. Наримонов Б. Некоторые вопросы совершенствования оказания государственных услуг негосударственным некоммерческим организациям в узбекистане //Review of law sciences. – 2020. – Т. 4. – №. Спецвыпуск. – С. 34-41
5. Санович С. Исследования гражданского общества и НКО в Европе и США (краткий обзор).Материал подготовлен специально для информационно-аналитического портала "Socpolitika.ru"// http://www.socpolitika.ru/rus/ngo/foreign_experience/document4692_print.shtml
6. Якубов Ш. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари

хамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари: монография. – Тошкент: LESSON PRESS, 2018. – 206 б.

7. Lewis D. Nongovernmental organizations, definition and history //International encyclopedia of civil society. – 2010. – С. 1056-1062.

8. Anheier H. K., Salamon L. M. The nonprofit sector in the developing world: A comparative analysis. – Manchester University Press, 1998. – Т. 5.

9. https://unstats.un.org/unsd/publication/SeriesF/SeriesF_91r.pdf

10. <https://www.un.org/ru/charter-united-nations/index.html>